

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Raxmatov O'Imas Umurboevich

*O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV HARBIY AVIATSIYA BILIM YURTI
JISMONIY TARBIYA VA SPORT KAFEDRASI O'QITUVCHISI*

E-mail raxmatov@inbox.uz

Tel: +998(99)664-55-25

Аннотация. Мақолада бугунги глобал шароитда юзага келган муаммоларнинг қучайиши ва унинг оқибатида экологик вазиятнинг ёмонлашуви, табиий оғатларнинг пайдо бўлиши натижада инсониятнинг табиатга исрофгарчилик ва ҳурматсизлик муносабати ҳақида маълумотлар келтирилган. Шу боисдан, мазкур мақолада ёшларда экологик маданиятни шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Хусусан, экологик маданияти ўзига хос хусусияти, уларнинг экологик вазиятни англаши, мазмун моҳиятини тушуниши, ижтимоий ҳаётдаги кўринишларига ўз муносабатини билдиришида намоён бўлиши доир маълумотлар педагогик нуқтаи-назардан очиб берилган.

Калит сўзлар: глобал муаммо, замонавий таълим, экологик вазият, экологик онг, экологик билим, экологик эҳтиёж, экологик маданият, экологик дунёқарааш

КИРИШ. 21-аср моддий маҳсулотлардан интеллектуал фаолият маҳсулотларига эътиборнинг ўзгариши, ресурсларни тежайдиган технологияларга эҳтиёжнинг ортиши ва экологик мувозанат муаммоларининг кўпайиши билан ажralиб туради. Мамлакатимизда бу ўтиш, биринчи навбатда, ижтимоий-иктисодий шаклланишнинг кескин ўзгариши билан мураккаблашади, бу ҳаёт муаммолари ва шахснинг потенциалини ривожлантиришга янги муносабатни белгилайди. Шу билан бирга, фан ва унга монанд равишда интеллектуал салоҳият ўнлаб йиллар давомида ривожланиб келмоқда. Шунинг учун биринчи жамият ва ҳар бир шахснинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш учун мақбул шароитларни яратишни имкон қадар эрта бошлаш керак. Илм-фан, техника, маданият ва бошқалар соҳасида иқтидорли ёшларни тарбиялашнинг белгиланган амалиёти, уларни ижодий фикрлашга ўргатишда янги талабларни жорий қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу эса мамлакатимиздаги педагогика фани тизими ва ўқитиш амалиётини ривожлантириш учун янги уфқлар очади. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг билим олишга бўлган муносабатини яхшилаш, когнитив қизиқишиларини ривожлантириш, илмий дунёқараashi ва дунёнинг замонавий илмий манзарасини, сайёра, экоцентрик

онгни шакллантириш учун катта имкониятларга эга бўлган табиатшунослик фанларини педагогик билимлар билан уйғун ҳолда ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Табиатшуносликда XX аср охири XXI аср бошларида табиий ижтимоий-гуманитар билимларни сингари индивидуал асосларга эга бўлди. Ушбу тенденциянинг асоси, аввало, шахснинг ўзи - уларнинг тадқиқотларининг умумий ва устувор объектига айланганлиги билан характерланади. Шу ўринда биз табиатшунослик фанларини ёшларда илмий, ижодий дунёқарашни шакллантиришда учун улкан имкониятларга эга эканлигини унутмаслигимиз керак. Зоро, табиат қонунларини билиш, жонсиз ва тирик табиат ва ижтимоий жараёнлар қонуниятларининг уйғунлигини бевосита англаш уларни инсон фаолиятининг барча соҳаларида ҳисобга олишга ундайди. Дунё ва ундағи инсоннинг ўрни ҳақидаги янги қарашларсиз келажак авлод тақдири ҳақида ўйлаш анча мураккаб манзарани юзага келтиради. Ҳам глобал, ҳам минтақавий характердаги экологик ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш фақат янги маданият турини яратиш, таълим ва тарбияни замонавий ҳамда сифатли экологик билим бериш жараёни билан уйғунлаштиришни тақозо этади. Бунинг учун аввало ёшлар экологик онгини шакллантириш, уларни шахсий хулқатворини тегишли стереотипларини янгилаш, шахснинг турли хил муаммоларни ҳал қилишдаги фаол фуқаролик позициясини шакллантириш талаб этилади.

Замонавий таълимнинг муҳим муаммоси табиат ҳодисаларини ўрганишда билимларнинг изчиллиги, узлуксизлиги ва интеграциялашув тамойилларини англашдан иборатdir. Ёшларни келажакдаги тарбиявий пойдеворини яратадиган таълим тизимида биринчи ва муҳим даража мактабгача ва бошланғич таълим тизимида шакллантирилади. Шу боисдан ҳам бошланғич таълим мазмунида жиддий ўзгаришлар XX асрнинг 90-йилларидан бошланди. Ҳатто ўша пайтда ҳам мактабгача ва бошланғич таълимнинг устувор мақсади бола шахсини ривожлантириш деб номланган. Бунга қўшимча равишда, бугунги кунда таълимни индивидуаллаштириш ва ҳар бир бола ўзини қулай ҳис қиласиган ва мақбул даражада ривожланадиган таълим муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мактабгача таълим муассасаси ва бошланғич таълим тизимида тарбияси устозлар дуч келадиган муҳим муаммолардан бири бу мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни табиатшунослик билимларини сингдиришдаги узлуксизликсизлик таъминлаш ҳисобланади. Уни ҳал қилиш учун замонавий илмий билимларни таълим жараёнларига сингдириш орқали табиатшунослик таълимининг мазмунини жиддий равишда янгилаш талаб этилади. Бунга замонавий таълимнинг ўзгарувчан характеридан самарали фойдаланиш катта ёрдам беради, бу болалар боғчаси ва бошланғич мактаб ўкув дастурига

табиатшунослик ва ижтимоий фанлар, фалсафа ва бошқа соҳалардан таркиб топган "Инсон ва табиат" таълим йўналишини киритиш талаб этилади. Бунинг учун ёшларда экологик маданиятни ривожлантириш технологиясини самарали амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ.

Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш зарурати бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан боғлиқдир. Жамиятда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси амалга оширилаётган даврда, ёшларнинг экологик муаммолар ечимидағи роли ошмоқда. Шунингдек, глобал, регионал, локал, миллий экологик муаммолар жамият тараққиётига салбий таъсир этувчи омиллар сирасига киради. Зоро, А.В.Гирусов тўғри таъкидлаганидек, “экологик маданиятсиз мамлакат, нафақат ўзининг аҳолиси учун хатарли бўлиб қолмасдан, балки, бошқа мамлакатлар аҳолиси учун ҳам хавфлидир. Зоро, табиатни ифлослантирувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик чиқиндилари миллий чегарани билмайди”.¹ Бизнинг назаримизда экологик маданият ва экологик онг савияси пастлиги, мавжуд экологияга зид эскича қарашлар шу каби кўплаб табиатни асрар билан боғлиқ муаммоларни юзага келтиради. Бундай шароитда ёшларимизнинг экологик маданияти шаклланиши, тобора юксалиши масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Ш.Э.Хамрокулова таъкидлашича, “Экологик таълим-тарбия ишлари узвий олиб борилар экан, ҳар бир педагог олдида ўқувчиларда экологик компетентликни ривожлантириш асосий масалалардан бири сифатида туради. Экологик компетентликни олимлар турлича талқин этадилар. Мактаб ўқувчиларининг ёшидан, ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб экологик компетентликни – экологик билим, малака ва кўнилмаларни ўқувчилар ҳаёт давомида тўғри кўллай олишлари нуқтаи назаридан талқин этилиши керак. Ўқувчи ён-атрофдаги бўлаётган воқеа ҳодисаларга, табиатга зарап келтириш ёки зарап келтирмаслик нуқтани назаридан ёндаша олса, кузатувлар натижасини тўғри таҳлил этса ва ўзи амалда табиатга зарап келтирмасликка ҳаракат қилса унда ҳар бир тарбия берувчи педагог, ёки ходим ўз вазифасини тўғри бажараётган бўлади”². Бизнинг назаримизда ўқувчи-ёшларда экологик маданиятни шакллантириш учун биринчи навбатда халқнинг табиатга нисбатан тарихан таркиб топган қадриятлари меросини ўрганиш лозим. Шунда жамият ҳаётидаги ўзгаришлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурсларнинг барча турларидан оқилона фойдаланиш қоидаларининг тизимини яратиш мумкин.

¹ Гирусов А.В. Культура как способ развития общества и сохранения природной среды./В кн.: История. Культура. Цивилизация. -М.: 1991. - С. 9.

² Хамрокулова Ш.Э. Умумтаълим мактабларида экологик таълим-тарбияни такомиллаштириш масалалари.

ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal

Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723. www.ares.uz

Атроф-муҳитнинг ифлосланишига кишилар тарбиясида табиатни муҳофаза қилиш ҳақида тарбиявий ишлар етарли даражада йўлга кўйилмаганлиги ҳам сабабдир.

Атроф-муҳитга, табиатга нисбатан меҳр-шафқатли ва адолатли бўлишга ўқитишнинг, ўргатишнинг ўзигина катта фойда келтирмайди, албатта. У билимлар ва тарбияда амалда ишлатилиши, қўлланилиши лозим. Шу боисдан ҳам С.У.Кистаубаев тўғри таъкидлаганидек, “Экологик таълим-тарбияга мутасадди институтларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш ва узлуксизлигини таъминлайдиган яхлит педагогик-дидактик технологияни ишлаб чиқиши ва ҳаётга жорий этишнинг потенциал имкониятларини қидириб топиш”³ муҳим аҳамиятга эга.

Бошлангич синф ўқувчиларининг самарали экологик таълимини ташкил этиш уларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уни тоза сақлаш ва бойлигини кўпайтириш имкониятини беради. Бу жараён соғлом ҳаёт кечириш ва келажак авлодларга экологик тоза муҳитни қолдириш, экологик таълим ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аввало, миллатнинг келажак авлодларини ҳимоя қилишни англатади. М.К.Ширинов фикрича, “Бошлангич синфларда экологик тарбия дарс ва дарсдан ташқари вақтларда амалга оширилади. Дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларни табиат қўйнига, табиат музейларига саёҳатга олиб чиқиб, шанбаликлар, сұхбатлар, эрталиклар ўтказиш жараёнида экологик тарбия шакллантирилади. Дарс жараёнида ўқувчилар экологик тарбияни ўқитувчи ҳикояси ҳамда дарсликларда ўз ифодасини топган мавзулар орқали оладилар”⁴. Шу боисдан ҳам аҳолининг экологик таълим соҳасидаги давлат сиёсати - ваколатли давлат органларининг аҳолини экологик тарбиялаш учун шароитларни таъминлашга ва шахслар ва жамиятнинг умумий ва экологик маданиятини шакллантириш бўйича давлат, жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилади. Экологик таълимдан кўзланган асосий мақсад эса экологик таълимдан самарали фойдалани, ўқувчи-ёшларни юксак экологик таълим руҳида тарбиялаш, уларни экологик маданиятини мустаҳкамлаш ва атроф-муҳитга соғлом муносабатни шакллантириш тенденцияларини тўғри ташкиллаштириш ва шу асосида мамлакатимизнинг гўзал табиатини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тизимини самарали ташкил этишдан иборатдир.

Экологик маданият - бу ижтимоий муносабатлар, ахлоқий қадриятлар, жамиятнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсирининг меъёрлари ва усуслари

³ Кистаубаев С.У. Шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда миллий қадриятларнинг роли. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Самарқанд, 2019. –Б.18.

⁴ Ширинов М.К. Ўқувчиларга экологик тарбия беришда баҳс-муноразали дарсдан фойдаланиш технологияси. //ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2016, 9. –Б.48.

мажмуини ўз ичига олган ва одамларнинг ижтимоий онги ва ахлоқида экологик билим ва онгни шакллантириш учун мерос бўлиб қолган универсал ва миллий маданиятнинг ажралмас қисмидир. Шу боисдан ҳам экологик маданиятни юксалтириш асосида соғлом ҳаётга, жамият маънавиятининг ўсишига, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, мамлакат ва шахснинг экологик хавфсизлигига ҳисса қўшадиган авлодларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Айни шу маънода, М.С.Ўринбоева “Инсон ва жамият атроф-муҳитни, умуман табиий ва ижтимоий бойликларни сақлаш ва ҳимоя этишга масъулдир. Бунга фақат кишиларнинг экологик ахлоқи ва маданиятини тарбиялаш воситасидагина эришиш мумкин. Одамнинг экологик ахлоқий маданиятини тарбиялаш жамият ривожланишини, табиатдан оқилона фойдаланишни таъминловчи энг муҳим омил, бу мавжуд экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Шунинг учун ҳам экологик ахлоқ ва маданиятни тарбиялаш масаласи инсоният бошига, жумладан Ўзбекистон аҳолиси ҳаётига таҳдид соловчи муаммоларни ҳал этишнинг муҳим йўлларидан бири бўлиб турибди”⁵ деган холосага келади.

Ўқувчи-ёшларда экологик маданиятни шакллантириш жуда мураккаб жараён бўлиб, турли усуслар, воситалар ёрдамида комплекс-системали ёндошишни талаб қиласди. Шу боисдан таълим-тарбия жараёнида кишиларнинг экологик маданиятини юксалтириш жараёнини шартли равишда, икки йўналишга ажратиш мумкин: *биринчиси*, ўқувчи-ёшларда табиатнинг бетакрорлиги ва гўзаллигини бевоиста ҳис қилиш, оқилона англаш қобилиятини, иқтидорини тарбиялаш билан экологик маданиятни шакллантириш; *иккинчиси*, табиатни акс эттираётган маънавий-ахлоқий ва маданий омилларнинг моҳиятини, мазмунини билиш орқали экологик маданиятни ривожлантиришдир. Бу эса, ўз навбатида, табиатни оқилона идрок қилишни ривожлантириш зарурияти бўлиб, барча фанларнинг экологиялашувини талаб қиласди. Бу вазифа жамиятдаги таълим-тарбия жараёни ҳақидаги муқобил қарашларнинг назарий ва амалий томонларини умумлаштиришни ва барча йўналишларига доимий татбиқ этишни тақозо қиласди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР.

Ҳозирги даврда ёшларда экологик маданиятнинг қирраларини, унинг намоён бўлиши шаклларини ва ниҳоят амалиётдаги кўринишларини вужудга келтириш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ёшлар экологик маданиятининг хусусияти, уларнинг экологик вазиятни англаши, мазмун моҳиятини тушуниши, ижтимоий ҳаётдаги кўринишларига ўз муносабатини билдиришида намоён бўлади. Ёшларда экологик маданиятни шакллантириш мамлакатимизнинг ўз

⁵ Ўринбоева М.С. Табиатга экологик муносабатларнинг маънавий-ахлоқий тамойиллари ва мезонлари. "Science and Education" Scientific Journal. May 2020. –Б.594. www.openscience.uz

тараққиётида янги босқичга кирганилиги, ривожланган демократик давлатлар каторидан жой олиш учун олиб бораётган сайъи ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шу билан биргаликда Ватанимиз сарҳадларидағи экологик вазиятнинг ҳимояси фақат Давлат ташкилотларининг вазифаси эмас, балки кенг жамоатчилик ва ёшларнинг ҳам ишидир.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш; глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг салбий таъсирини юмшатиш; аҳолини чиқиндини йўқ қилиш бўйича замонавий обьектлар билан таъминлаш; қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш; атроф-табиий муҳит, аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш ва бошқалар устувор вазифа этиб белгиланган⁶.

Экологик мувозанатнинг сақланиши, атроф-муҳитнинг тозалиги, инсон саломатлиги ва меҳнат фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатларнинг олдини олиш қўп жиҳатдан жамоатчилик, ёшларнинг ижтимоий фаоллигига боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизациялаш, демократик ва хуқукий давлатнинг қурилиши, ҳамда фуқаролик жамиятининг ривожланиши шароитида ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ошади, ҳар бир жамият аъзосининг мамлакатимиздаги мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдаги бевосита иштироки кучаяди. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021–йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «атроф-муҳитга, аҳоли соғлиғига ва генофондига зарар етказиши мумкин бўлган экологик муаммоларнинг олдини олиш»⁷ масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон худудидаги экологик вазият ва уни янада яхшилаш учун доимий мониторинг қилиниши мамлакатимиз ёшлари манфаатлари нуқтаи назаридан стратегик масалалардан биридир. Ушбу жараён табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, қазиб олинаётган маъданларнинг истеъмолчиларга йўқотишларсиз етказилиши, уларни қайта ишлашда замонавий технологиялардан кенг ва унумли фойдаланиш самарадорлигини таъминлашни талаб қиласди. Ушбу масаланинг ёшлар экологик маданияти билан боғлиқлиги ва ўзига хос хусусиятларидан бири, иқтисодиётнинг глоболлашув шароитида ривожланишини эътиборга олиб ривожланган мамлакатларда табиий ресурслардан фойдаланиш тажрибасидан

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).

ҳам фойдаланиш имкониятларини яратади. Шунингдек, ёшлар экологик маданиятини шакллантиришнинг долзарблиги, иқтисодиёт тармоқларининг интенсив ривожланиш хусусиятлари мавжуд ер, сув, биологик ресурслардан фойдаланишни янада такомиллаштириши билан боғлиқлигидир. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш муентазам суратда экологик жараён билан боғлиқ бўлган хуқуқий асоснинг такомиллашувини талаб қиласди. Муаммога бундай ёндошув экологик масалаларнинг глобаллашуви, минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида вужудга келаётган муоммалар ечими билан чамбарчас боғликлигидир.

Ўқувчи-ёшларда экологик маданиятнинг шаклланиши кўп жиҳатдан уларнинг экологик онги, таълим-тарбия, маънавий-маърифий йўналишлар билан боғланган. Бинобарин, бу жамият ривожланишининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларини экологиялаштириш тамойилларига қонуниятларига меъёрий-хуқуқий нормаларига риоя қилгандагина амалга оширилиши мумкин. Инсоннинг бу онгли фаолияти экологик эҳтиёжга айланган тақдирдагина экологик маданият шаклланади. Ўқувчи-ёшларнинг экологик маданияти стихияли тарзда ўз-ўзидан шаклланмайди. Бу жараён унинг билим даражаси, ижтимоий-экологик муаммоларни қандай таҳлил қила олиши, табиий муҳитга бўлган муносабати, унинг экологик диапазони ва дунёқарашининг кенглиги билан ўлчанади. Ўқувчи-ёшларнинг экологик маданияти маданиятнинг бошқа турлари хуқуқий, эстетик, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий маданият билан ўзаро боғланганлигини шу нарса билан изоҳлаш мумкинки, бу маданият шакли билан бевосита ёки бавосита алоқада бўлмаган бирон-бир ижтимоий ҳодиса йўқ.

Ўқувчи-ёшларнинг экологик маданияти тўғрисида гап кетар экан, бу жараённи шаклланишида уларнинг тафаккур тарзи унинг табиатни муҳофаза қилишнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-тарихий анъаналари яъни тарихийлик, ворислик, илмийлик, системалик принципларини нечоғлик ўзлаштирганлиги ва улардан оқилона фойдаланиши билан ўлчанади. Шунингдек, бу жараён ёшларнинг маънавий-маърифий фаолияти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бу фаолият экологиялаштириш, замон талаби билан, инсонларнинг саломатлиги билан ташқи-муҳитни асраб-авайлаш билан боғланган. Шу боисдан ҳам экологик маданиятнинг моҳияти ва мазмуни инсон билан табиатнинг бирлигини чуқур англаш, инсон ҳаёти, фаолияти билан ташқи муҳит ўртасидаги ички қонуний, зарурӣ боғланишларни асл моҳиятини тушуниш, амалий фаолиятда унга амал қилиш, чинакам инсонийлик, борлиқ қонунларига, тамойилларига риоя қилиш жараёнида намоён бўлади.

Ўқувчи-ёшларнинг экологик маданияти унинг экологик сифатини, фазилатини тарбиялаш йўлларининг тамокиллаштириш даражаси, биосфера мувозанати тўғрисидаги илмий-назарий билимларини амалий фаолиятда

табиатни муҳофаза қилиш мақсадлари, вазифалари билан боғланишларида намоён бўлади. Бу маданият шаклининг чинакам гоявийлиги, маърифийлигининг бошқа фактори бу экологик тафаккурининг умумбашарий қадриятларини нечоғлик ўзлаштиришларига боғлиқдир. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ёшларнинг экологик онги ва маданий ривожланиш даражаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишнинг аҳамияти жуда катта. Чунки, ишлаб чиқаришда янги техника, технология ва хом ашёлардан фойдаланиш, экологик рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқиш зарурияти тадбиркорларни кенгроқ ва чуқурроқ экологик фикрлашга мажбур этади. Уларни экологик онгнинг назарий даражасида фикрлашга ўргатиш экологик жараёнларнинг моҳиятига кириб бориб, биосфера экологик мувозанат қонунларини билиш асосида турли илмий ғоялар, назариялар, тамойиллар, моделлар, конкрет дастур ва режалар яратишига олиб келади. Уларни кенг ҳалқ оммасига трансформация қилиш, яъни барча аҳоли қатламларига оддий ва тушунарли қилиб етказилиши миллий экологик тафаккур тарзини шакллантиради.

Экологик маданий фаолиятнинг зарурий шарти - ҳар бир шахснинг табиат ва жамият келажаги учун маъсулиятини англашидир. Бунда маданий қадриятлар ўзаро боғлиқ бўлган икки вазифани бажаради; яъни инсоннинг субъектив имкониятларини объектив зарурият билан мувофиқлаштиради, ҳамда шахсий ва ижтимоий манфаатларини ўзаро уйғулаштиради. Шунга кўра, экологик маданият, бир томондан, инсоннинг табиатни норационал ўзгартиришидан иборат, ирода эркинлигини чегараловчи, иккинчи томондан, табиатни муҳофаза қилувчи фаолиятини рағбатлантирувчи омилдир. Яъни, шахснинг ижобий фаоллигини таъминловчи ижтимоий ҳодиса сифатида қаралиши керак. Буларнинг ўзаро бирлиги инсон экологик маданий фаолиятини бошқаришнинг зарурий асоси саналади⁸. Шунингдек, бу омиллар табиат муҳофазаси талабларини ўзида мужассамлаштиради ва шахснинг экологик ҳатти - ҳаракатларини комплекс бошқариш имкониятини яратади. Экологик маданиятнинг жамият ривожланишига таъсири масаласи илмий адабиётларда кенг ёритилмоқда, муқобил қарашлар мажмуаси вужудга келган.

Экологик маданиятнинг асосий вазифаси ёшларнинг табиатга экологик муносабатни тарбиялаб, умумий таълим-тарбиянинг таркибий қисмига айлантиришдир. Шунга кўра, бир томондан, турли жамиятлардаги ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг ривожланиш даражасини, маълум маънода, табиатга маданий муносабат мезони билан белгилаш мумкин. Иккинчи томондан, экологик таълим-тарбия жараёнини маданийлаштириш орқали уни муҳофаза қилиш манфаатларига буйсундирилган.

⁸ Лемешев М.Я. Природа и мы. –М.: 1989. –С.112

Экологик барқарорликни таъминлашда инсон маънавиятини инсонпарварлик ғоялари асосида шаклланиши, сиёсий ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши табиатга бўлган ўзини ардоқлаш ва яашашга бўлган меҳр-муруватини инсон онги ва шуурида мужассамлаштириши ижобий натижа беради. Экологик мувозанат бўлмаган ерда тинчлик, осойишталик, хотиржамлик бўлмайди, аҳоли фаровон ҳаёт кечира олмайди, эркинлик чегараланади, қонунларга амал қилиш, инсонлардаги жисплашиш, ҳаётга бўлган қизиқиш сусаяди, инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат йўқолади, давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий структураси издан чиқади.

Экология соҳасидаги тадқиқотларнинг умумий мақсади табиат ва инсон муносабатларини уйғунлаштириш ҳисобланмоқда. Бу жараёнда илмий билимлардаги трансформация, яъни илмий билимлар тизимининг янги мураккаб тизимга ўтиши янги истиқболларни юзага келтирмоқда. Зеро, фандаги трансформация (объект, субъект, ўзаро таъсир ва боғланишларнинг кучайиши, билимлар миқдори, турларининг кўпайиши, билимларни узатиш, ўзлаштириш ва сақлашдаги ўзгаришлар)ни кузатар эканмиз, у нинг инсон ва табиат муносабатларига уйғун равишида ривожланаётганини қўрамиз. Натижада бу ўйғунлик инсон ва табиат ўзаро таъсирини ўрганишдаги фанлараро тадқиқотларда ўз ифодасини топади. Ана шундай илмий изланишларда табиат ва инсон муносабатларига турлича ёндошувлар пайдо бўлди. Бу ёндошувларнинг жуда кўпчилигига инсон ҳам табиатнинг бир бўлаги бўлиб, унинг табиатга муносабати ўзгариб ва ривожланиб бориши кўрсатилади. Дарҳақиқат, инсон ва табиат ўзаро таъсиридаги эволюция диалектик характерга эга бўлиб, бу ўзаро таъсирининг яна қуйидаги турлари алоҳида қайд этилади: табиатга фақатгина классик методлар ёрдамида таъсир этиш мумкин бўлган оддий объект сифатида қараш; иккинчи тури, табиатга диалог субъекти сифатида қараш. Аммо бундай ўзаро таъсир чукур характерга эга эмаслиги туфайли исталган вақтда тўхтаб қолиши мумкин; учинчиси, инсон ва табиатнинг коэволюцион даражаси бўлиб, инсон ва табиат ўзаро боғлиқ, бир-бутун эканлиги эътироф этилади ва бу хозирда ривожлантирилиб, инсон, табиатни асрар қолишнинг асосий йўли сифатида талқин этилмоқда.

Умуман олганда, экологик муаммоларни олдини олишда экологик таълим ва тарбиянинг роли муҳимdir. Экологик таълимнинг бош мақсади ўқувчи-ёшларга табиат ва атроф-муҳитинии асрарш муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборат. Ёш авлод фақатгина бугунги куннинг экологик муаммоларини ўрганиш билан чекланиб қолмасликлари керак. Улар мавжуд экологик муаммоларнинг оқибатларини олдиндан кўра билишлари ва фаолиятларини шунга мос ҳолда ташкил қилишлари зарурдир. Бунинг учун илм излашни ўрганиш ва бунга амал қилиш лозим. Экологик маданият-умумжаҳон

маданиятининг бир қисми бўлиб, инсоният ҳаётида ва унинг келажакда ривожланишда экологик муаммоларни мухимлигини чуқур тассавур қилиш табиат атроф–муҳитни муҳофаза қилишдир. Юксак маънавиятли ва экологик маданиятли шахслар қўйидагиларга риоя қилиш керак: табиат ва жамият бир–бутунлигини тасаввур қилиш, унга онгли муносабатда бўлиш, биосфера ифлосланишига йўл қўймасдик, унинг ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиб кейинги авлодларга ҳам қолдириш, миллий урф одатларни билиш, интелектли, дидли, фаросатли бўлиб, муомала маданиятига эга бўлиш, маънавий, сиёсий, ҳуқуқий, экологик билимли бўлиш ва бошқалар.

ХУЛОСА. Ҳозирги даврнинг умумий тенденцияси аҳолининг барча қатламлари хусусан ёшларнинг янгича экологик маданиятга эга бўлиб борётганлигини кўрсатмоқда. Бунда икки тенденция ўзига хос омиллар таъсирида амалга ошмоқда: биринчиси, экологик вазиятнинг ҳозирги ҳолати, табиатни муҳофаза қилиш амалиётининг характеристи кишиларда, объектив равишда, янгича экологик маданият талабларига амал қилишни тақозо қилмоқда. Чunksi, глобал масштабда кескинлаштган экологик вазиятда инерт фикрлаш ҳалокатга олиб келади; иккинчиси, аҳоли барча қатламлари хусусан ёшларнинг экологик маданияти уларнинг фаол субъектив омилга айланиши кузатилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гиусов А.В. Культура как способ развития общества и сохранения природной среды./В кн.: История. Культура. Цивилизация. -М.: 1991. - С. 9.
2. Хамрокулова Ш.Э. Умумтаълим мактабларида экологик таълим-тарбияни такомиллаштириш масалалари. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021 ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723. www.ares.uz
3. Кистаубаев С.У. Шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда миллий қадриятларнинг роли. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Самарқанд, 2019. –Б.18.
4. Ширинов М.К. Ўқувчиларга экологик тарбия беришда баҳс-муноразали дарсдан фойдаланиш технологияси. //ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2016, 9. –Б.48.
5. Ўринбоева М.С. Табиатга экологик муносабатларнинг маънавий-ахлоқий тамойиллари ва мезонлари. "Science and Education" Scientific Journal. May 2020. –Б.594. www.openscience.uz
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).
8. Лемешев М.Я. Природа и мы. –М.: 1989. –С.112